

Мирзакаримова М.М.,

Инновацион технологиялар маркази катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди, доцент;

Олимжонова Ш.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

НОРАСМИЙ БАНДЛИК ВА УНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кейинги йилларда иқтисодиёт назариясида норасмий иқтисодиёт ва норасмий бандлик тушунчаси пайдо бўлди ва уни ўрганишга тегишли эътибор қаратилмоқда.

Кўпинча норасмий иқтисодиёт тушунчаси кузатилмаётган иқтисодиёт билан белгиланади ва ҳисобга олинмаган операцияларни ҳам ўз ичига оладиган иқтисодий фаолият умумий натижаларини баҳолашда қўлланилади. Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) концепциясида кузатилмайдиган иқтисодиёт тушунчаси юридик шахсларнинг ҳисобга олинмайдиган операцияларини ва турли статистик кузатишларга тортилмайдиган уй хўжаликлари соҳасининг фаолиятини қамраб олади. Кузатилмайдиган иқтисодиётни ўлчаш бўйича қуйидаги фаолият турлари келтирилган: яширин, норасмий соҳадаги ноқонуний ва уй хўжаликларининг хусусий пировард фойдаланишлари учун улар то-

монидан амалга ошириладиган турлар¹. Норасмий соҳа тушунчасини статистик аниқлаш Меҳнат статистикачиларининг 15-Халқаро конференциясида (МСХК) ишлаб чиқиқиб, у 1993 йил январ ойида норасмий соҳадаги бандлик статистикасига нисбатан Резолюция қабул қилди. Ўша йилнинг мартида БМТ Статистика комиссияси кўрсатилган резолюцияни қўллаб-қувватлади ва унинг тегишли қисмларини миллий ҳисоблар тизимига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди².

Резолюция қоидаларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Давлат статисти-

¹ Горбачева Т.Л., Рыжикова З.А. Занятость в неформальной экономике. // "Вопросы статистики", 2004, №7. –С. 30.

² Ўша жойда.

ка қўмитаси томонидан 2001 йилда иқтисодиётнинг норасмий соҳасидаги бандликни аниқлаш ва ўлчаш бўйича Услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Концептуал аниқликни таъминлаш мақсадида норасмий соҳа чегараларини аниқлашга ёндашувлар МХТда уй хўжаликлари соҳасини шакллантириш тамойиллари билан мослаштирилган.

Халқаро меҳнат конференциясининг 90-сессиясидаги (2002 й.) «Муносиб меҳнат ва норасмий бандлик» маърузасида норасмий иқтисодиётнинг концептуал таркиби келтирилган бўлиб, уни муҳокама қилиш жараёнида нафақат норасмий соҳа, балки бу соҳадан ташқаридаги норасмий ишчи ўринларини ҳам қамраб оладиган маълумотларни ишлаб чиқиш зарурияти кўрсатилган. Бунинг оқибатида МСХК 17-Резолюцияси (2003 й. ноябрь-декабрь ойлари) норасмий иқтисодиётдаги бандликни статистик аниқлаш бўйича бошқарув тамойилларини қабул қилди. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан ишлаб чиқилган ёндашувларга мувофиқ, норасмий бандлик расмий ва норасмий соҳа корхоналаридаги норасмий ишчи ўринлари мажмуини ўз ичига олади.

«Норасмий соҳадаги бандлик» концепцияси «норасмий бандлик» концепцияси билан бир хил эмас. Норасмий соҳа концепциясида ишлаб чиқариш бирликлари, норасмий бандлик концепциясида ишчи ўрни кузатиш бирлиги ҳисобланади. Норасмий соҳадан ташқарида норасмий ишчи ўрнига эга бўлган ёлланма иш-

чиларга меҳнат муносабатлари стандарт меҳнат қонунчилиги доирасига кирмайдиган, ишчи ўринларининг декларацияламаганлиги сабабли ижтимоий ҳимоя, солиққа тортиш билан қамраб олинмаган ишчилар ёки тасодикий ишлар, йўл қўйиш мумкин бўлган бўсақадан паст иш ҳақи ёки иш вақти давомийлигига эга бўлган ишлар ёлланма ишчилари киради.

Норасмий бандлик бизнинг мамлакатимизда совет давридан амал қилган. Унинг кўлами унчалик катта эмасди, асосан, аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишчилар орасида тарқалганди. Одатда, бундай фаолият ижтимоий хўжалик соҳасидаги асосий ишга қўшимча сифатида вужудга келди, бўш вақтдаги ишлар ҳисобига даромад олишнинг қулай усули ҳисобланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ва фуқароларга ихтиёрий, эркин танланган бандлик ҳуқуқини бериш билан норасмий бандлар сони ва таркиби, Ўзбекистондаги норасмий муносабатлар мазмуни жиддий ўзгаришларга тортилди.

Кўпчилик мамлакатларда фермерлар ва иқтисодиётнинг расмий сектори ишчилари даромад олишнинг иккиламчи манбаи сифатида норасмий соҳа доирасида амал қиладилар. Ўзбекистонда норасмий бандлик камдан-кам ҳолларда иқтисодиётнинг расмий соҳасидаги асосий даромаднинг манбаи сифатида чиқади. Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олиб, норасмий бандликни қонун билан тақиқланмаган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан

боғлиқ расман рўйхатга олинмаган иқтисодий фаолият сифатида таърифлаш мумкин¹. Бу бизнинг фикримизча, норасмий бандликни расмий бандликдан фарқлашнинг асосий мезонидир.

Норасмий соҳадаги бандлик барча бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган қатор белгилар билан тавсифланади.

Биринчидан, у расмий статистика томонидан тўла ҳажмда рўйхатга олинмайди ва ҳисоби юритилмайди. «Норасмийлар» давлат бошқаруви идоралари томонидан тан олинмайди ва қўллаб-қувватланмайди.

Иккинчидан, бу соҳада бандлар кўпчилиги унча катта бўлмаган капиталга эга, меҳнат унумдорлиги ва даромадлари анча паст.

Учинчидан, ишловчиларнинг катта қисми ташкил қилинган бозорга чиқиш, кредит муассасалари хизматларидан фойдаланиш, замонавий технологиялар, расмий таълим ва касбий-техник ўқишдан амалда беғоналашган бўладилар. Ва ниҳоят, бу соҳадаги бандлар одатда ижтимоий ҳимоя тизими фаолияти соҳасидан, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси меъёрларидан ташқарида бўладилар.

Ўзбекистонда норасмий меҳнатда бандлик ички ва ташқи меҳнат миграцияси шаклида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги миллий қонунчиликда

ишчи-мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш учун асос яратадиган универсал қоидаларни акс эттирган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида қатор халқаро ва минтақавий ҳужжатларга қўшилди. Бундан ташқари, мазкур қоидалар тўғридан-тўғри акс этмаган вазиятларда улар халқаро меъёрларда қонунан мустаҳкамлаб қўйилган устуворликларга асосан амал қилиши кўзда тутилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси 3-хатбошида: «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади» дейилган.

Меҳнат миграциясини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги «Ишчи кучларини четдан келтириш ва четга чиқариш масалаларини бошқариш тўғрисида»ги 353-сонли, 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги 408-сонли, 2001 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 162-сонли, 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни

¹ Қонун томонидан тақиқланган фаолият турлари: наркобизнес, қурол-яроқ билан ноқонуний савдо қилиш, фоҳишабозлик ва ҳ.к. ларни норасмий бандликка киритиш тўғри бўлмайди (Қаранг: Кубишин Е. Неформальная занятость населения России. // ЭКО, 2003, №2. –С. 167).

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 505-сонли ва бошқа қарорларида ўз аксини топди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 75-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ташкил этилди. Агентлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири вақтинчалик ишга жойлаштиришни ташкил қилиш ҳамда фуқароларга чет элда хусусий меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш йўли билан уларнинг чет элда касбий фаолият олиб бориш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш минтақавий бошқармаларида ўз вакилларига эга. Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ва чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги касбий фаолиятини мувофиқлаштириш; меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ишга жойлаштиришни ташкил қилиш, хорижда ишга жойлаштиришга номзодлар билан олдиндан мослаштириш тадбирларини олиб бориш; чет эллик ишчи кучини ишга ёллашни амалга оши-

радиган чет эл фирмалари (корхона, муассаса, компаниялари) билан ҳамкорликни ривожлантириш; юридик шахсларга чет эллик ишчи кучларини жалб қилишга рухсат бериш ва ҳ.к.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 505-сонли қарори тартибга солинадиган меҳнат миграцияси стандартларини белгилади; бу қарор билан «Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюро тўғрисида намунавий низом» тасдиқланди.

Бундан ташқари, ноқонуний меҳнат миграциясини бартараф қилиш ва одамлар савдоси билан боғлиқ ноқонуний миграция турларининг қурбонига айланган шахслар ҳуқуқларини муҳофазалаш мақсадида Ўзбекистон қонунчилиги томонидан кўрсатилган асосий қоидалар одамлар, айниқса, аёллар ва болалар, шу жумладан, вояга етмаганлар савдосини тўсиб қўйиш ва бартараф қилиш тўғрисидаги БМТ баённомасида одам савдоси (ЖК 135-моддаси), одам ўғирлаш (ЖК 137-моддаси) ва бошқа шу каби жиноятлар, масалан, фирибгарлик (ЖК 168-моддаси), алдов йўли билан кишиларни эксплуатация қилиш учун ва Ўзбекистон Республикаси чегарасидан чиқариш мақсадида ўғирлаш каби жиноий жавобгарлик-

ка тортиладиган жиноятлар сифатида эътироф этди¹.

Ўсиб бораётган ички меҳнат миграцияси кўламларини ҳисобга олиб ва бу жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил қилиш тўғрисида»ги 223-сонли қарори қабул қилинди. Бугунги кунда Республика Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-616-сонли қарори билан бу марказлар Вақтинчалик ишларни ташкил этиш бюроси (ВИТҚБ), деб қайта номланди. Улар барча вилоятларда амал қилмоқда.

Республика иқтисодиёти расмий соҳасидаги норасмий бандликни қуйидагича тасвирлаш мумкин: рўйхатга олинган ташкилотларда расмийлаштирилмаган ҳолда ишловчилар; ўз ишчи ўринларида асосий ва ҳисобга олинмаган фаолиятни амалга оширадиган ва бунинг учун ҳисобга олинмайдиган қўшимча даромад оладиган ёлланма ишчилар. МҲТ-93 да бундай фаолият яширин фаолият си-

фатида таърифланган². Гарчи, у иккитомонлама характерга эга бўлсада, яъни ишчи нуқтаи назаридан бундай фаолият меҳнат даромади манбаи сифатида норасмий (қўшимча, баъзида эса асосий) ҳисобланиб, иш берувчи нуқтаи назаридан эса натижаларни солиққа тортишдан яшириладиган фаолият сифатида қаралсада, бизнинг фикримизча, ишчи ва иш берувчи учун бу фаолиятларнинг мақсадлари бўйича фарқланиши ажратиш мезони бўлиб хизмат қилиши керак.

Норасмий бандликнинг ривожланишида ихтиёрий, эркин танланган бандлик тамойили муҳим роль ўйнайди, бу шахсий ташаббускорлик ва уddaбуронликка йўл очади, фуқароларнинг эркин тартибда ишлаш ҳуқуқини қонунийлаштиради, кичик бизнес билан шуғулланиш хоҳишини рағбатлантиради. Хўжалик механизмнинг ўзгариши ишчиларнинг ўз меҳнати натижаларидан шахсий манфаатдорлигининг ўсишига ёрдам берди ҳамда кўпчилик аҳоли учун норасмий бандликнинг юқори қадр билан қабул қилинишига олиб келди³.

Республикада сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва

¹ Мухамедов А. Проблемы миграции и пути их решения органами прокуратуры. // Ўзбекистон ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена Декларацияси ва Ҳаракат дастури (Вена Декларацияси ва Ҳаракат дастурининг 10 йиллига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари). – Т., 2004. –С. 102–108.

² Гарчи яширин иқтисодий фаолият кўп ҳолларда қонун томонидан тақиқланмаган фаолиятни ўз ичига олсада, бироқ норасмий соҳадаги бандликдан фарқли ўлароқ, у солиқ тўловидан, ижтимоий бадаллар ва муайян маъмурий мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлash мақсадида реал даромадни яширади ёки камайтириб кўрсатади (Қаранг: Масакова И. Определение параметров теневой экономики. // "Вопросы экономики", 1999, №12. –С. 22).

³ Яширин бизнес ва бошқа норасмий фаолият турларининг ривожланиши кўп даражада ёшлар ҳисобига боради, уларда манфаатларга турли йўналиш ва қадриятлар янги тизимнинг пайдо бўлиши кузатилади.

нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Мазкур ислохотлар натижасида 1990–2013 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари, аниқ ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ошди. Эксперт хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар агар 1990 йилда аҳолининг 18% ини ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24% га етгани аён бўлди, 2013 йилда эса 60% уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган¹.

Мамлакатда норасмий бандлик кўламларининг ўсиши меҳнатга лаёқатли фуқаролар, тадбиркорлар ҳамда бутун жамият учун бир хил бўлмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Давлат солиқларни етарли миқдорда йиғмаслиги туфайли зарар кўради, уларнинг бир қисми ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмай қолади. Шу нуқтаи назардан, норасмий бандлик бутун аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Норасмий фаолият кўламларининг кенгайиш тенден-

цияси кўп ҳолларда ишчи кучи сифатининг пасайиши билан бирга боради. Норасмий соҳа таркибига ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмаган барча корхоналар киради, уларнинг кўплари ўз ҳолича расман рўйхатга олинган, хўжалик фаолияти катта оборотларига, бандлар катта сонига эга ва уй хўжалиги корхонаси (халқаро статистика амалиётида норасмий соҳанинг асосий мезони) ҳисобланмайди. Меҳнат бозорининг норасмий сегменти, айниқса, қишлоқ жойларда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли ривожланмаган туманларда ҳамда демографик омиллар ва ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан ошиб кетиши оқибатида меҳнатда бандликка эҳтиёж юқори бўлган жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликнинг олдини олишда муҳим роль ўйнашда давом этмоқда.

Норасмий бандликнинг ҳудудий таркибида 2008 йилда Фарғона (13,8%), Самарқанд (10,7%), Тошкент (10,2%) вилоятлари юқори улушни эгаллаган бўлса, 2010 йилда Самарқанд (11,2%), Наманган (10,7%), Қашқадарё (10,7%), Андижон (8,4%) вилоятлари юқори салмоқни ташкил этди².

Норасмий бандлик борасида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Фарғона вилояти Олтиариқ, Риштон ва Боғдод туманларида ўқувчи-талаба ёшлар, пенсионерлар ва уй бека-

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: "Ўзбекистон", 2011. –82–83-б.

² Меҳнат бозори ва бандлик мониторинги 2008 йил ҳар чораклик статистик бюллетень Т. 2009. 17-бет. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари.

1-жадвал. Аҳоли тоифалари бўйича қўшимча бандлик шакллари (2011 йил, сўров иштирокчилари умумий сонига нисбатан фоизда)¹

Машғулот турлари	жами	Улардан		
		Ўқувчи, талаба-ёшлар	Уй бекалари, ишсизлар	Нафақа хўрлар
1. Корхонада ўриндошлик асосида ишлаш	18,0	16,6	-	100,0
2. Бошқа корхонада ўриндошлик асосида ишлаш	16,4	17,9	12,5	50,0
3. Шартнома, буюртма бўйича касбий фаолият (компьютер дастурлаши, таржима, мақолалар ёзиш, маъруза ўқиш)	10,6	9,4	6,2	12,5
4. Сотувга кенг истеъмол товарларини тайёрлаш	35,2	36,3	56,2	25,0
5. Ўз дўкони, кафе, киоскасида ишлаш	6,9	6,3	12,5	25,0
6. Брокерлик, воситачилик фаолияти	3,7	2,5	18,7	12,5
7. Кўча савдоси, бошқа шаҳарлардан, чет элдан келтирилган товарлар савдоси	10,0	10,0	12,5	6,2
8. Қурилиш, таъмирлаш, тикувчилик бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш	5,1	12,2	12,5	6,2
9. Репетиторлик, хусусий дарслар	5,7	7,7	-	12,5
10. Хусусий шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича иш (бола парвариши, касалларга қараш, уй йиғиштириш, овқат пишириш ва ҳ.к.)	2,0	1,2	12,5	12,5
11. Бошқалар	1,6	0,6	6,2	12,5
12. Жавоб беришга қийналаган	11,8	13,5	25,0	12,5
Жами рўйхатга олинмаган бандлик (1–3-қатор ва хусусан, 4,5-қатор)	87,1	86,4	87,4	187,5
Рўйхатга олинмайдиган бандлик (6–12-қатор ва хусусан, 4,5-қатор)	82,0	90,2	156,1	124,9

лари орасида социологик сўровлар ўтказдик.

Социологик сўровларда уни расмий ва норасмийга ажратмаган ҳолда «қўшимча бандлик» тушунчаси ишлатилди. Айрим нашрларда мутахассислар томонидан расмий ва норасмий қўшимча бандлик нисбати бўйича баҳолашлар келтирилади. Бунда бандликни расман рўйхатга олишнинг мавжудлиги ёки йўқлиги уларни ажратишнинг асосий мезони сифатида чиқади. Маълум шартлилик улуши билан аҳолининг қўшимча

машғулотлари турларини таҳлил қилиш асосида бандлик таркибидан норасмий бандликнинг ҳиссасини баҳолаш мумкин бўлади (1-жадвал).

Норасмий фаолиятнинг янада типик турлари қуйидагилар ҳисобланади: қурилиш, таъмирлаш, тикувчилик бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш; кўча савдоси, хусусий хизматлар (уй йиғиштириш, овқат пишириш, репетиторлик, хусусий дарслар) ҳамда кўп даражада воситачилик фаолияти. Барча фаолият турлари кўп ҳолларда патентсиз, шартномасиз амалга оширилади, солиқлар инспекциясида декларацияланмайди. «Бошқалар» ва

¹ Йиғиндиси 100% га тенг эмас, чунки респондентлар бир қанча жавобларни белгилашлари мумкин.

2-жадвал. Аҳолининг норасмий бандлиги (2011 йил, сўров иштирокчиларига нисбатан фоизда) ¹

Аҳоли тоифалари	Қўшимча бандлик	Норасмий бандликнинг қўшимча бандликдаги ҳиссаси	Норасмий бандлик
Жами сўровда қатнашганлар (%)	149,2	32,4	99,2
Шу жумладан:			
Ёш гуруҳлари бўйича:			
29 ёшгача	120,6	68,4	82,5
30-49 ёшлилар	120,0	50,0	60,0
50 ёш ва ундан катталар	114,3	50,0	57,1
Маълумоти бўйича:			
Олий	124,2	55,7	69,2
Тўлиқсиз олий	126,8	73,6	93,7
Ўрта махсус	139,0	76,1	103,8
Ўрта	110,0	70,2	78,5
Тўлиқсиз ўрта	114,2	64,1	73,2
Ижтимоий-касбий мақоми бўйича			
Раҳбарлар	125,0	40,0	50,0
Мутахассислар	120,0	58,3	70,0
Хизматчилар	135,3	73,9	100,0
Ўқувчи, талабалар	149,6	53,7	68,6
Нафақахўрлар	257,1	77,3	114,3
Уй бекалари	122,0	100,0	122,0
Ишсизлар	132,3	83,3	110,8

«жавоб беришга қийналаман» жавоб вариантларини асосан, норасмий бандлик сифатида эътироф этиш ҳам мумкин.

Бизнинг баҳолашларимизга кўра, норасмий бандлик даражаси қўшимча даромадли машғулотга эга бўлганларнинг тахминан 82,0%ини, шу жумладан, расман ишламайдиган аҳоли орасида тахминан 156,1%ни ташкил этади. Шу каби ҳисоб-китоблар аҳоли гуруҳлари бўйича ба-жарилган: қўшимча бандлик умумий кўламларини билган ҳолда норасмий бандликнинг аҳоли турли тоифалари орасида тарқалганлик даражасини баҳолаш мумкин (2-жадвал).

Сўров натижаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

Аҳоли ёш гуруҳлари орасида норасмий бандликка кўп даражада жами ёшлар ва нафақахўрлар жалб қилинган.

Қўшимча иш ҳақига эга катта ёшдаги шахслар, айниқса, нафақахўрлар уни асосан, рўйхатга олинмайдиган бандликдан оладилар. Улар орасида қўшимча бандлик умумий даражаси юқори (257,1%). Юқори маълумот ва юқори ижтимоий мақомга эга шахслар кўпинча қўшимча иш ҳақига эга бўладилар (ўртача даражаси 124,2%, олий маълумотли шахслар, раҳбарлар (125,0%), мутахассислар орасида 120,0% дан ортиғи),

Норасмий бандлар таркиби ёши бўйича бутун иқтисодиётда банд-

¹ Сўров натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди ва ҳисобланди.

3-жадвал. Норасмий соҳада бандларнинг ёши бўйича таркиби, фоизда¹ (2011 йил)

Ёши бўйича аҳоли таркиби	Иқтисодиётда банд			Норасмий соҳада банд		
	Жами	Эркаklar	Аёллар	Жами	Эркаklar	Аёллар
20 ёшгача бўлганлар	8,2	4,0	4,2	42,0	10,7	31,3
20-29 ёш	23,6	12,2	11,4	31,2	21,7	9,5
30-39 ёш	28,1	14,6	13,5	8,6	3,3	5,3
40-49 ёш	25,6	14,0	11,6	7,4	2,5	4,9
50-59 ёш	10,0	6,5	3,5	7,4	4,1	3,3
60-72 ёш	4,5	2,9	1,6	3,3	2,5	0,9
Жами	100,0	54,2	45,8	100,0	44,8	55,2

лар таркибидан, энг аввало, кичик ёш гуруҳлари (20 ёшгача, 20-29 ёшда бўлганлар)нинг ўсган салмоғи ҳамда 40-49 ва 50-59, 60-72 ёшдаги шахсларнинг пасайган салмоғи билан фарқланади. Бундай ҳолат ҳам эркаklar, ҳам аёллар бандлиги учун хос (3-жадвал).

Шундай қилиб, норасмий бандликка кўп даражада меҳнат бозорида кам рақобатбардош аҳоли ижтимоий-демографик гуруҳлари – ёшлар жалб қилинган. Норасмий бандликни таҳлил қилишда таълим даражаси қанчалик паст бўлса, норасмий бандлик шунчалик юқори бўлади, деган қонуният кузатилмоқда.

Бунда касбий маълумотга эгалик расмий иқтисодиётдаги бандликнинг катта улушини таъминлайди (65,3%). Айни пайтда бошланғич касбий маълумотга эга бўлган шахслар орасида норасмий бандлик даражаси тўлиқсиз умумий ўрта маълумотлилар орасидагига нисбатан паст (43,6% ўрнига 7%). Касбий маълумотга эга бўлган шах-

слар норасмий соҳада бандларнинг 4,9% ини, бутун иқтисодиёт бўйича эса 24,5% ни ташкил этади (4-жадвал).

Масалан, 1990 йилларда, айниқса, 15-19 ва 20-24 ёш гуруҳларининг иқтисодий фаоллик даражаси кескин пасайди. Бунда кўпроқ катта ёшдаги аҳоли гуруҳларининг иқтисодий фаоллик даражаси 2010 йилга келиб 1990 йилга нисбатан сезиларли ўсди. Натижада кўпчилик ёш гуруҳларида иқтисодий фаоллик даражасининг ўсиши 20 йил ичида камида 3-4 фоизли пунктни, ёшларда эса 12-16 фоизли пунктни ташкил қилди².

Шундай қилиб, меҳнат бозорида паст рақобатбардошликка эга бўлган ишловчилар кўпроқ иқтисодиётнинг норасмий соҳасида мужассамлашган. Булар – ёшлар, нафақа ёшидаги шахслар, маълумот даражаси паст, касбга эга бўлмаган шахслардир. Бир томондан, бунга ижобий нуқтаи назардан қаралиши мумкин: норасмий соҳа аҳолининг рақобатбардош бўлмаган гуруҳларини иш ва даромадлар билан таъминлайди. Аммо бошқа томондан норасмий соҳа меҳнат бозорининг ёпиқ сегментига айланади. Бу ерда

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва муаллиф томонидан ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди ва ҳисобланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари. Труд и занятость в Узбекистане 2012. –21-б.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари. Труд и занятость в Узбекистане 2012. –20-б.

4-жадвал. Норасмий соҳада бандларнинг маълумот даражасига кўра таркиби, % да¹(2011 йил)

	Иқтисодиётда бандлар			Норасмий соҳада бандлар		
	Жами	Эркаклар	Аёллар	Жами	Эркаклар	Аёллар
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	48,2	51,8
Шу жумладан, маълумотга эга						
Ўрта	24,5	21,6	17,4	4,9	1,2	4,1
Ўрта махсус	35,0	29,1	40,9	2,1	2,9	1,2
Олий маълумотли	30,3	29,3	31,3	23,5	12,3	11,1
Тўлиқсиз ўрта	10,2	20,0	10,4	16,9	7,0	9,8
Тўлиқсиз ўрта махсус	-	-	-	26,7	2,9	21,7
Тўлиқсиз олий	-	-	-	25,9	21,7	4,1

самарасиз бандлик такрор ишлаб чиқарилади, меҳнат салоҳиятининг паст сифати музлатиб қўйилади.

Норасмий соҳанинг ривожланиши билан боғлиқ салбий ҳодисаларга қарамай, унга нисбатан чекловчи тадбирлар ўзини оқламайди. Рўйхатга олинмайдиган бандликка нисбатан давлат сиёсатининг қаттиқлашиши натижасида норасмий соҳанинг қисқариши ишсизликнинг кескин ўсишига олиб келади. Чунки норасмий бандларнинг катта қисми расмий соҳада ишга жойлаша олмайди. Иккиламчи бандлик шароитларида норасмий соҳада ишловчилар учун бундай сиёсат турмуш даражасининг кескин пасайишини белгилайди.

Норасмий фаолият ҳар хил турларига нисбатан давлатнинг сиёсати бир хил бўлмаслиги керак. Ўзбекистонда уни кенг доирада: рағбатлантиришдан тортиб, чекловчи характердаги чоралар, жумладан, жазолар, шахсий ва тадбиркорлик даромадларини унинг пировард ижтимоий-иқтисодий натижавийлигини таъминлайдиган турлари ва ҳажмларига боғлиқ равишда табақалаштириш лозим. Масалан, қишлоқ хўжалигида бундай фа-

олиятга ёрдам кўрсатиш керак (солиқлардан озод қилиш, турли хатарлардан ҳимоялаш), аммо буни расмий рўйхатга олиш билан қўшиб олиб бориш лозим. Меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаган ёки белгиланган иш вақтидан ортиқча ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган корхоналар маъмуриятига нисбатан, солиққа тортишдан яшириб қолинадиган катта қўшимча даромад оладиган иқтисодиётнинг расмий соҳасида энг қатъий жазо чоралари қўлланилиши лозим. Бундай тадбирлар меҳнатдан ноошкора фойдаланишни фойдасиз қилиб қўяди.

Кишилар эпизодик характердаги даромад билан ўз-ўзини таъминлашлари, кичик шаклларида эса ўша фуқароларнинг ўзини меҳнат нафақасига чиқариш, улар томонидан бундай фаолият тугатилган ҳолларда ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқини олиш мақсадида ўз даромадларини рўйхатдан ўтказишга қизиқтириш талаб этилади.

Норасмий бандлик соҳасида давлат сиёсатини ўтказишда унинг минтақавий тафовутларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Йирик шаҳарларда ҳамда миграци-

¹ Ўша жойда. 22-б.

он оғирлик ҳудудлари ва чуқур са-
ноат инқироzi билан қамраб олин-
ган минтақаларда норасмий бандлик
кўламларининг кенгайиши кузатила-
ди, уларда аҳолининг катта миграци-
он ўсиши ва кичикларида эса улар-

нинг камайиши юз беради. Шу са-
бабли мамлакат, минтақа ва муници-
пал даражадаги давлат сиёсати аниқ
вазиятдан келиб чиқиб, эгилувчан ва
табақалашган бўлиши зарур.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. –82–83-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари. Труд и занятость в Узбекистане 2012.
3. Горбачева Т.Л., Рыжикова З.А. Занятость в неформальной экономике. // «Вопросы статистики», 2004, №7. –С. 30.
4. Кубишин Е. Неформальная занятость населения России. // ЭКО, 2003, № 2. –С. 167.
5. Мухамедов А. Проблемы миграции и пути их решения органами прокуратуры. // Ўзбекистан ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена Декларацияси ва Ҳаракат дастури (Вена Декларацияси ва Ҳаракат дастурининг 10 йиллига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари). – Т., 2004. –102-108-б.
6. Масакова И. Определение параметров теневой экономики. // «Вопросы экономики», 1999, №12. –С. 22.